

Мил. авв. III асрнинг ўрталарида мустакил давлат сифатида ташкил топган Парфия давлати ҳозирги Туркменистон ва Эроннинг бир қисмини ўз ичига олган. Бу давлатнинг биринчи ҳукмдори Аршак бўлиб, у мил. авв. 247 йили тахтга ўтиради. Мил. авв. 235 йилдан бошлаб, Парфия подшолари ўз ерлари ҳудудларини кенгайтириб бордилар. Милодий III асрнинг биринчи чорагида сосонийлар аршакийлар ҳукмронлигини тугатиб, Парфияда ҳокимиятни қўлга олдилар. Антик давр Парфия-нинг кишлок хўжалигида куллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Мил. авв. III аср ўрталаридан бошлаб Парфия давлати ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган қадимги вилоятлар – Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна билан сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатларни айнама ривожлантирди.

Ундан ташқари, парфияликлар беш аср давомида Хиндистон, Ўрта Осиё ва Хитой-нинг гарб мамлакатлари билан қилган савдо алоқаларида воситачилик қилдилар.

Парфияликларнинг ёзуви оромий (Нисо хужжатлари) ёзуви бўлиб, зардуштийлик ди-нига эътиқод қилишган.

Қадимги Фарғона турли давр манбаларида Довон, Бохан, Полона, Паркана каби номлар билан эслатиб ўтилади. Маълумотларга қараганда Эрши (Мархамат) шаҳри Довоннинг пойтахти эди. Антик давр Довон аҳолиси дехқончилик, узумчилик, йилкичилик билан шугулланишган. Довоннинг «самовий отлари» ўлкадан ташқарида ҳам маълум ва машҳур бўлган.

Мил. авв. II асрнинг охирида Хитой ҳукмдорлари Довон ерларини босиб олишга ҳаракат қилдилар. Аммо қўшни давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган доvon-ликлар ўз мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

Мил. авв. III асрлар бошларида пайдо бўлган Канг давлатининг ҳудудлари Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерлар эди. Мил. авв. II-I асрларда Канг давлати ерлари кенгайтириб, Амударё ва Сирдарё оралигидаги ерлар ва Хоразмни ўз ичига олади. Антик даврда Канг давлати анча ривожланган давлат эди. Ўтроқ аҳоли асосан водийларда яшаб, дехқончилик, богдорчилик ва хунармандчилик билан шугулланиб қелишган. Канг ҳукмдорларининг марказий шаҳарлари иккита эди. Улар ёзни Ўтрорда (ҳоз. Арис ва Туркистон оралигида), кишловни эса Канга (ҳоз. Тошкент вилояти Оккўргон туманида) шаҳарларида ўтказар эдилар.

Мил. авв. I асрга қелиб, Ўрта Осиё ҳудудларида антик даврнинг энг қудратли дав-латларидан бири бўлган Кушон давлати ташкил топади. Дастлабки ҳукмдорлар Кад-физ I ва Кадфиз II лар давлат ерларини кенгайтириб, пул ислохоти ўтказдилар. Ми-лодий II асрга қелиб Кушон давлати ерлари Шимолий Хиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистондан иборат эди. Кушон ҳукмдорлари, хусусан Қанишка (II аср) даврда савдо-сотик, ички ва ташқи савдо айнама ривожланади. Дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ҳам анча таралган эди. Бу жараёнда Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Кушон давлатида асосий дин буддавийлик бўлиб, юнон, зардуштийлик ақидаларига ҳам эътиқод қилинар эди.

Антик давр Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Мил. авв. IV-II асрлар оромий ёзуви асосида Хоразм, Парфия ва Сўғд ёзувлари пайдо бўлди. Кушон даврига қелиб яна бир ёзув-Кушон (Бактрия) ёзуви шаклланади. Ўрта Осиё ва Афғонистон ҳудудидаги археологик тадқиқотлар антик давр маданиятининг гуллаб яшнаганидан далолат беради. Айри-ом ва Кўхна Термизда Будда

ибодатхоналари очилган. Фаёзтепа, Кува, Холчаён, Далварзин каби кўхна шаҳарларда ҳам саройлар, ибодатхоналар очилиб, улар юксак маданиятга эга эканлиги кузатилган. 1972 йилда Далварзинтепадан (Сурхондарё) тилла буюмлар хазинаси (32 кг) топилган. Бу хазина орасида антик даврга оид билагузук, халкалар, тўгалар, бўйин такинчоклари каби санъат буюмлари ҳам бор. Уму-ан, антик давр Канг, Сўгд, Фаргона ерларида мавжуд бўлган маданият ўз тараккиётининг янги боскичига кўтарилди.